

65-боб. Ёмон қўшни

Image not found or type unknown



15:59 / 25.10.2019 3017

ذُوْعًا يِّنِ الْمُؤْمِنِينَ: مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَصْرِيحُوا بِبُؤْسِ مَا رَأَوْا مِنْكُمْ فَأَنْزِلُوا الْعَذَابَ عَلَيْكُمْ إِنَّكُمْ كُنْتُمْ فِي غَفْلَةٍ مِمَّا تَعْمَلُونَ. ﴿١٥٩﴾

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари орасида «Аллоҳим! Мен сендан у дунёда ёмон одамга қўшни бўлишдан паноҳ тилайман. Чунки бу дунёдаги қўшнини ўзгартирса бўлади», дейилгани ҳам бор эди».

Шарҳ: Бу дунёдаги қўшнини ўзгартирса бўлади, лекин у дунёдаги қўшнини ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ёмон қўшнидан паноҳ сўралар экан. Қўшнининг ёмон бўлиши кишининг бадбахтлигидан бир аломат экан, чунки унинг ёмонлиги сабабли қўшниларида туну кун ҳаловат йўқ, ҳаётлари уриш-жанжал, хавф-хатар, кўнгилсизлик билан ўтади.

يَسْتَحُ عَسَلًا مُّوَقَّتًا أَل: «مَلَسُو هِي لَع هَل لَ اِي لَص هَل لَ اِي لُ وُس رَ لَ اَق: يَسُ وُ م ي بَ أ نَ ع
هُ أَبَ أ وُ هَ آخَ أ وُ هَ رَ ا جُ لُ ج ر لَ ا لُ ت قَ ي».

Абу Мусодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «То кишилар қўшнисини, ака-укасини, ота-онасини ўлдирмагунча, қиёмат бўлмайди», дедилар».

Шарҳ: Демак, қўшничилик алоқаларининг ёмонлашиши ҳам қиёматнинг яқинлашиш аломатларидан бири экан. Қўшниларнинг бир-бирини ўлдириши, боланинг ўз ота-онасини, ака-укасини ўлдириши қиёмат қоим яқинлашганининг аломатларидан экан. Шунинг учун ота-она, ака-ука, ёр-биродар, қўни-қўшнилар билан ниҳоятда яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилиш лозим.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қўшнисини ўлдириш қиёмат аломатларидан бири экани.
2. Ака-укасини ўлдириш қиёмат аломатларидан бири экани.
3. Ота-онасини ўлдириш қиёмат аломатларидан бири экани.

«Одоблар хазинаси» китобидан